

Ана ўша Кунда ер ўз хабарларини сўзлар

09:25 / 03.05.2018 3752

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ана ўша Кунда ер ўз хабарларини сўзлар», деган оятни ўқиб:

«Ернинг хабари нима эканини биласизларми?» деганларида, саҳобалар: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчи», дейишди. Шунда у зот: **«Ҳар бир эр ва аёлнинг ер устида бирор амал қилганига гувоҳ бўлиб, ундай қилгансан ва бу кун бундай қилгансан, деб айтиши мана шу хабар беришидир»**, дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.